

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

«Муҳандис – техника» факультети

**«Гидротехника иншоотлари ва насос станциялардан фойдаланиш»
кафедраси**

**«Гидротехника иншоотлари ва насос станциялардан фойдаланиш»
йўналиши бўйича бакалавр даражасини
олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: «Талимаржон» сув омборидан фойдаланиш тадбирларини ишлаб
чиқиш**

Раҳбар:

Носиров Б.

Бажарди:

Мирзаев А.

«Химояга рухсат этилди»

**«Химоя учун ДАКга
юборилди»**

Кафедра мудири _____

**Факультет декани,
_____**

т.ф.н.,доц. Эшев С.С.

т.ф.н.,доц. Алиқулов М.Н.

«_____» _____ 2015 й.

«_____» _____ 2015 й.

Қарши 2015 йил

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Гидротехника иншоотлари ва насос
станциялардан фойдаланиш» кафедраси
мудирини _____ доц.С.С.Эшев
« _____ » _____ 2014 й.

Битирув малакавий иши учун ТОПШИРИҚ

Талабанинг фамилияси исми шарифи

Мирзаев Акмал

1. БМИ нинг мавзуси

«Талимаржон» сув омборидан фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш

«04» 12 2014 йил институтнинг 680/Т буйруғи билан тасдиқланган

**2.Тайёрланган битирув малакавий ишини топшириш муддати
«15» июн 2015 й.**

3. БМИ учун берилган маълумотлар

“Ўздавмелиосувлойиҳа” институти, “Давсувхўжаликназорат” Диагностика
маркази, Қарши магистрал каналдидан фойдаланиш бошқармаси
маълумотлари

4. Ҳисобий- тушунтириш баёнининг мазмуни

Кириш. Умумий қисм. Техник – эксплуатация қисми. Таъмирлаш ва созлаш
ишларини ташкил этиш. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Атроф – муҳит
муҳофазаси. Эксплуатацион техник – иқтисодий ҳисоблар. Хулоса.
Фойдаланилган адабиётлар.

5.Кўргазмали чизма материалларининг номлари (чизма номлари аниқ кўрсатилган)

1.Биринчи ва иккинчи тўғонлар плани ва кўндаланг қирқимлари. 2. Сув
чиқариш ва сув узатиш иншоотларининг плани, бўйлама ва кўндаланг
қирқимлари. 3. Мустаҳкамланган ўзан конструкцияси. 4. Сув сарфлари ва
сатхларни графиклари, таъмирлаш ишлари режаси 5. $Q=f(W)$ ва $Q=f(F)$ эгри
чизикли боғланиш графиклари, сув омборининг бошқарув тузилмаси.

**6. БМИ қисмлари бўйича маслаҳат
берувчилар: _____**

Қисм	Маслаҳатчи	Имзо	Сана
Меҳнат муҳофазаси	Носиров Б		
Атроф-муҳит муҳофазаси	Носиров Б		

7. Малакавий ишни бажарилиши бўйича календар графиги

Хафта сони	Битирув малакавий ишининг бўлимлари	Малакавий ишнинг ҳажми, бет	Умумий ҳажмга нисбатан %	Бажарилган-лиги тўғрисидаги белги	Изоҳ
1	Кириш. Умумий қисм бўйича маълумотлар йиғиш.	10-15	10		
2	Техник – эксплуатация қисми	45-55	80		
3	Гидротехника иншоотларини таъмирлаш ва қайта тиклашда меҳнат муҳофазаси	7-10	3		
4	Гидротехника иншоотларидан фойдаланишда атроф – муҳит муҳофазаси	7-10	3		
5	БМИ ни расмийлаштириш ва ҳимоя қилиш		4		

Малакавий иш раҳбари _____ Носиров Б

Топшириқни олган кун _____

Талаба _____ Мирзаев А

Кириш

Мамлакатимиз ижтимоий- иқтисодий ривожла нишининг муҳим омилларидан бири кишлоқ хужалиғи ишлаб чиқаришни ривожланган мамлакатлар тажрибасида асосланиб ташкиллаштириш ва олиб боришдир. Бунда ер ва сув захираларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш асосий вазифаларимиздан биридир. И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йулида» (2) асарида айтилганидек, ерларнинг мелиоратив ҳолатида этиборини ҳеч қачон сусайтирмаслик керак, агар биз шундай қилмасак истикболдан маҳрум буламиз».

Республикамиз ҳукумати ва маҳаллий бошқарув органлари давлатимиз раҳбарининг курсатмалари асосида кишлоқ хужалиғига қўлаб ижтимоий ишларни амалга оширилмоқда .

Республикамиз президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон 21 аср бусағасида ҳавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлар и тараққиёт қафолатлари» (3) асарида мамлакатимиз ва марказий осий минтақасидаги экологик муаммолар чуқур таҳлил қилинган ва экологик муаммолар чуқур таҳлил қилинган ва экологик ҳолатни яхшилаш борасида Ўзбекистон мелиоративлари олдида турган вазифалари алоҳида курсатиб утилган «Ўзбекистоннинг экологик ҳавфсизлиғи нуқтаи назаридан қараганда , сув захираларининг шу жумладан ер ости ва ер усти сувларнинг кичик тақчиллиғи ҳамда ифлосланиши катта ташвиш тугдирмоқда » Жумладан президентимиз нинг асарида . Сугориш тармоқларининг режим ива улчамларини сугориш техникаси билан мустаҳкам боғлаш, оқова сувларини дарё ва сув омборларига оқизиши батамом тухтатиш сувни муҳофаза қилишнинг асосий тадбирлари бўлиши лозимлиғи бу асарида алоҳида курсатиб утилган .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тугрисида»ги фармони (4) кишлоқ хужалиғини ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг

мелиоратив ҳолатини яхшилаш , уларнинг ҳосилдорлигини купайтириш, шунингдек, мелиоратция ишларини таҳлил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши мамлакатимизда асосан сугориладиган деҳқончиликга асосланганлиги учун ирригация объектларини қуриш, қайта таъмирлаш , уларнинг конструктив тузилишини ва фойдаланиш тартибларини такомиллаштириш ишлари доимий равишда олиб борилиши лозим. Бу эса ишимиз учун танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатади. Гидротехника иншоотларини эксплуатация қуришда атроф-муҳит муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш, сарфланган маблағлардан тушадиган фойда миқдорини ошириш ҳамда иншоотлардан самарали фойдаланиш давомийлигини имкон қадар узайтиришга эътиборини қаратиш лозим.

Ишимиз учун объект сифатида қабул қилинган Талимаржон сув омборидан фойдаланиш ишларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, эксплуатация ишларини техник, технологик ва экологик нуқтаи назаридан асослаш битирув малакавий ишимизнинг асосий мақсади ҳисобланади. Иншоатдан фойдаланиш тартибларини асослаш барча ечимлар ва ҳисобларни бажаришда «Давсувхўжаликлар назорат» диагностика марказининг Талимаржон сув омбори бўйича лойиҳавий материаллардан ҳамда амалдаги қурилиш миёралари ва адабиётларда келтирилган маълумотлардан фойдаланилади.

1.Умумий кисм

1.1. Сув омборининг жойлашган урни ва вазифаси

Талимаржон сув омбори куйилма турдаги мавсумий росланадиган булиб, Кашкадарё вилоятининг Оловуддин тоғ этагидаги Ўзбекистон ва Туркменистон Республикаларининг чегарасида жойлашган У Нишон тумани марказидан ва Карши шаҳридаги 130 км узокликда қурилган. Ғарб ва шимолда Оловуддин ва Дултали тоғ этаклари, шарқона Ғассанжа, Айкоти тоғ этаклари, жанубда эса 1-сонли тўғон билан чиқарилган.

Карши шаҳрининг 1 ва 2 навбатда узлаштирилган 400 минг га ер майдонларини сугориш сув омборининг асосий вазифасига киради. Сув омбори Карши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармасига қарайди. Амударё сувлари 6 та насос станцияси каскади ёрдамида қутарилиб 7 чи насос станцияси орқали сув омборига узатилади.

1.2. Иқлим шароитлари

Талимаржон сув омбори жойлашган тоғ олди қисми ҳудудининг иқлим шароитлари ёз ойларида жуда иссиқ бўлиши билан характерланади. Йилнинг бу даврида, майдон-сентябргача атмосфера ёғин қаршиликлари 20 мм дан ошмайди. Уларнинг йиллик қатлами текислик зоналарида 114-267 мм ни ташкил этади.

1.3. Гидрогеологик шароитлар

Ер ости сувларининг шаклланиши шароитлари гидрогеологик жараёнларнинг йуналишини аниқловчи омиллари билан ҳамбарчас боғлиқ. Буларга ер томондан табиий шароитлар геологик тузилиш иқлим гидрографик тармок, иккинчи томондан –инсоннинг фаол, фаолияти ирригация каналларини барпо этилиши ва қайта массивларини сугориши таъсир этади.

Йил мавсумлари буйича ёгингарчиликнинг узига хос таксимланиши натижасида, улар улар факат киш- бахор фаслларида ер ости сувларининг туйинишига сизиларли даражада таъсир килади. Кам микдорда ёгингарчиликнинг ёгиши ката бугланиш ва ер усти сувлари захираларининг чегараланганлигига натижасида худудда ер ости сувларининг тупланиш шароитлари нокулай хисобланади.

Кашкадарё дарёсининг замонавий чегарасида ва кисман киргок текис пролювиал майдонида ер ости сувларининг туйиниши сув утказадиган утувчи юза сув окимларининг инфилътцияси билан боглик гедрографик тармок ва ирригатция каналлари булмаган колган майдонларда ер ости сувларининг хосил булиши асосан ураб турган тоғлар томонидан ер ости окими хисобига хосил булади.

Курилаётган худуд гедрогеологик ва тузилиши буйича Кашкадарё артезион хавзасининг гарбий кисмида жойлашган, унинг майдони жанубий шаркдан Шерабод-Сурхандарё ва жанубий гарбдан коракум артизиан хавзалари билан чегараланган.

Куйида курилаётган тармокланган сувли сатхлар комплекслари тугрисида маълумот берилади, бунда гедрогеологик жихатдан туртламчи ва юкори неоген ёткизиклар характеристикалари дала тадкикотлари натижалари асосида берилади.

Полеозиес ёткизиклардаги ката сув чукурликлардаги I ва II навбатда узлаштириладиган худудлар чегарасида кудуклар казилади. Бу кудукларда ер ости сувлари кайта напорга эга ва купинча узи окиб чикади. Уларнинг микромелиоратция 114 г/е гача , энг кичик минерализатция 11,6 г\л сув таркибида кам микдорда калсий магний булган хлорид натрийли тузлар да юкори даражада ё два бром булганлиги билан фарк килади. Бром ва ёднинг микдори 11 мг/л дан 420 мг/л гача.

1.4. Гидрологик шароитлар

Гидрологик режем факат айрим сув манбаига хос булган кайтариладиган конуниятли узгаришлар мажмуасидир. Шундай экан хар бир сув омборининг узига хос гидрологик режими мавжуд. Сув омборининг гидрологик режими сув омборидан куп йиллик окимнинг узгариши сув баланси, харорат ва музлаш режими курсаткичларини вақт буйича узгаришда акс этади.

Куп йиллик окимнинг узгаришини узгаришдан мақсад сув омборини тулдириш жараёни сув омборига сувнинг келишини, окимнинг характери холатларини узгариш ва аниклашдан иборат.

Талимаржон сув омборига куйилувчи окимнинг миқдори 1987 йилда 1996 йилгача даврларда урганилади. Ушбу урганилган даврлар (1987-1996 йиллар) сув омборини тулдиришдаги олдинги ун йилликлардаги сув хажмлари деб қабул килинди. Сув омборини ушбу тупланган ун йилликда уртача тулдириш, яъни олдинги ун йилликдаги уртача оким $131,5 \text{ млн, м}^3$ ни ташкил этган булса, умумий куйилиш $15777,9 \text{ млн, м}^3$ ни ташкил этади.

Сув омборининг гидрогеологик режимининг хусусиятларидан яна бири, харорат режимидир. Сув омборининг харорат режими дарёларнинг харорат режимидан кескин фарк килади, ва сув омборининг чуқурлиги буйича бир хил тақсимланмайди сув омборларининг харорат режимини урганишда сув юзасидан унинг чуқурлиги буйича узгаришга эътибор берилади. Уларнинг купчилиги йилнинг иссик ойларида тузли катламларидаги сувни яхши аралашиб турганлиги сабабли, сув харорати чуқурлик буйича ҳам узгаради.

Талимаржон сув омбори паст текислигидаги сув омборлари гурухига киради. Шунинг учун сув омборларининг музлаш жараёни (хаво хароратининг 0°C га утиш) декабр ва январ ойларида кузатилади.

Сув омбори эксплуатация килиниб келаётган даврдан бошлаб каттик музлашларнинг кузатилмаган. Баъзан декабр январ ойларида кичик музлашлар ҳосил булса, сув омборидан фойдаланиш даврида, факат 1977 ва

2007 йилда сув омборида музлаш кузатилган ва бунда музлаш калинлиги 15-20 см ни ташкил этган.

1.5. Геологик шароитлар

Биринчи тўғон сув хавзасини жанубдан чегаралайди у тулкинсимон кутарилган ерларда жойлашган тўғон замини юмшок, кучли гипсланган ва шурланган олиб ташлангандан кейин, неоген ёд ёткизикларни ташкил этади. Геологик актив зонасининг лиологик кисми учта участкадан ташкил топган.

- биринчи участка (ГКО-ГК 36) оловуддин пастлигининг жанубий томонида жойлашган геологик киркими буйича замин кумлар ва мустахкам булган кумтошлардан ташкил топган.

- иккинчи участка (К 36 дан ГК 38 оралигидаги тўғоннинг марказий кисмини ташкил этади. Геологик кирким буйича калинлиги 1 м дан 12 м гача кумок грунтлар ва калинлиги 1,6-1,7 мли аливролитлар учрайди.

- учинчи участка (ГК 68-ГК 102) тўғоннинг шаркий кисмида жойлашган бунда асосан аливролитлар, камдан-кам лойлар учрайди.

Иккинчи тўғон оловуддин ёнбагирларининг жанубий-шаркий кисмида жойлашган. Геологик киркими буйича участка неоген ва туртламчи ёткизикларнинг юза кисмида калинлиги 1,5-2,0 м гача кумок ва сог тупроклар учрайди.

Тўғон заминини кумли аливролитлар ва базида мустахкамлиги хам булган майда заррали кум тошлар ташкил этади.

2. Техник-эксплуатация қисми

2.1.Талимаржон сув омборининг лойихавий параметрлари

Талимаржон сув омбори Кашкадарё вилоятининг Нишон туманида жойлашган булиб, у куйилма турда лойихаланган, окимни бошқариш буйича мавсумий хисобланади. Сув омборини тулдириш 1976 –йилда бошланган.

Сув омбори хавзасининг лойихавий параметрлари:

Белгилар:

-НДС-нормал димланган сатх-400,5м:

-ФНС-фойдаланилмайдиган хажм сатхи-373,0м:

Сув омбори хажмлари:

-тулик-1525 млн.м³

-фойдали -1400 млн м³

-фойдаланилмайдиган -125 млн м³

Сув омборидаги сув чуқурликлари:

-максимал-40 м:

-уртача- 35 м:

НДС да уртача кенглик 6 км

Сув омбори хавзасининг юзаси:

-НДС да =77,35 км²

-ФНС да -28 км²

2.2. Сув омбори таркибидаги иншоатлар

Сув омбори таркибидаги куйидаги иншоатлар киради.

-келувчи канал

-7-насос станцияси

-7-насос станциясининг сув узатиш иншоати

-1-тўғон

-2-тўғон

-сув чиқариш иншоати

- кетувчи канал

2.2.1. Келувчи канал

7-насос станциясига келувчи канал узунлиги 2810м, сув утказиш қобилияти 175 м³/1 . канал умумий узунлиги бўйича калинлиги 15 см ли бетон билан мустаҳкамланган канал кундаланг кесими трапетциадал кенглиги 7 м чуқурлиги 6,4м: қиялик коэффисиентлари $m=2,5$

2.2.2. 7-насос станцияси

Хисобий ишга кобиляти $38-145 \text{ м}^3/\text{с}$

Геометрик хайдаш баландлиги 6,7 дан 26,1 м гача. Насос станцияси таркибига келувчи канал, аванкамера, станцияси биноси, босимли кувур киради.

Станция биноси блокли турда, ер ости кисми улчамлари : 127 х 44,2 м. Аванкамера томонидан ер ости кисмига 16 та камера жойлаштирилган. Хар бир камера таъмирлаш хатворларини ва панжарани урнатиши учун пазлар билан жихозланган.

Насос станцияси биносидан 7 та асосий ва 2 та захира марказдан кочма насослар урнатилган. Асосий агрегатларнинг сув узатиш кобиляти $25 \text{ м}^3/\text{с}$

2.2.3. 7-насос станциясининг сув узатиш иншоати

Сув узатиш иншоати минирал турда лойихаланган булиб, биринчи тўғонда жойлашган. Иншоат тўғон танасида жойлашган диаметри 3,6 м ли икки катор пулат кувурлардан ташкил топган. Кувурлардан кейин улчамлари 8,4 х 6,1 м ли ички кузли галерия урнатилган. Кувурлардан кейин сув сарфларини ростлаш учун улчамлари 4,0 х 4,7 м ли икки катор ясси затворлар урнатилган. Улардан бири авария иккинчиси таъмирлаш затворлари . Затворлар гидравлик кутаргичлар билан бошқарилади.

2.2.4 1-Тўғон

1-тўғон бир жинисли махаллий кум аливролитли грунтлардан барпо этилган. Тўғон тепасининг узунлиги 10200 м кенлиги 7,0 м максимал баландлиги 35 м фермалар кенлиги 5,0 м : Киялик коэффициентлари юкори - 4,0 пастки -3,0 ва 3,5.

Юкори киялик 9600 м узунликда 20-25 см калинликда маналет темир-бетон коплама билан мустахкамланган. Тўғон тепасида баландлиги 1 мли бетон парафет урнатилган. Пастки киялик 0,25м калинликда гравилит билан копланган.

Филтиратция сувларини тўғоннинг пастки кияликда чиқишига йул қўймаслик , уларни йиғиш ва чиқариб юбориш учун тўғоннинг умумий узунлиги бўйича шагал кум катлаидан ташкил топган призмали дренаж ва диаметри 500 мм галвирланган увурлар урнатилган.

2.2.5. 2-тўғон

2-тўғон бир жинсли, маҳаллий аливролитлар ва лой тупроқлардан барпо этилган. Тўғон тепасининг узунлиги 1000м, кенглиги 10м, максимал баландлиги 35м, бермалар кенглиги 5м, кийалик коэффисийинлари; йуқори 40; пастки-3,0, 3,5. йуқори кийалик 20-30см калинликда бетон билан копланган пастки киялик эса калинлиги 25 см гравелет катлами билан мустаҳкамланган.

2.2.6. Сув чиқариш иншооти

Сув чиқариш иншооти минорали турда лойихаланган у иккинчи тўғоннинг марказий қисмида жойлашган. Сув чиқариш иншоотининг сув утқазиш қобилияти $360 \text{ м}^3/\text{с}$: умумий узунлиги 364 м.

Сув чиқариш иншооти қириш босимли қувур , минора, босимсиз қувур, сув узулма қудукдан ташкил топган.

Қириш қисми узунлиги 30 ли бетонланган канал участкасини ифода қилади.

Босимли қувур қалинлиги 78м, тугри бурчакка, ҳар бирининг улчамлари 4х5 м ли 5та сув утқазувчи қувурдан ташкил топган. У узунлиги бўйича қундаланг чоклар билан 4 та секцияга ажратилган. Иккинчи секцияда таъмирлаш затворлари учун рағбат урнатилган. Затворлар камерасининг узунлиги узунлиги 3 м унда улчамлари 4х5 м ли икки қатор чуқур жойлашган гилдирақли затворлар урнатилган. Улардан биринчиси –авария –таъмирлаш иккинчиси –ишчи затворлар.

2.2.7 Кетувчи канал

Кетувчи канални айланма канал билан кушилиш жойигача узунлиги 2747 м , унинг сув утказиш қобилияти $360 \text{ м}^3 / \text{с}$. Канал 151 м қалинликда бетон билан қопланган. Канал трапецида кесими тубининг қенглиги 18м чуқурлиги 6,67 м қиялик коэффициентлари $m=2,5$.

2.3. Сув омбори эксплуатация хизматини ташкил этиш.

Сув омборлари эксплуатация хизмати уз ишини Ўзбекистон Республикасининг «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тугрисида»ги қонуни «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ишлов ва сув ҳужалиги вазирлиги ҳамда сув ҳужалиги юқори ташкилотларининг низомлари миёрий ҳужжатлари, назоратчи ташкилотларнинг буйруқ ва қурсатмалари. Шунингдек Республиканинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ сув ҳужалигига талукли ҳужжатлар асосида ташкил қилинадихамда уларга бўйсинади.

Якка сугориш тизимида хизмат қилувчи сув омборларида бевосита ушбу тизим бошқармасига бўйсунувчи эксплуатация бошқармаси тузилади. Бир неча сугориш тизимларига хизмат қурсатувчи сув омборларида эксплуатация хизмати вилоят сугориш тизимлари бошқармасига бўйсинади. Икки ва ундан ортиқ вилоятларнинг сугориладиган ҳудудларига хизмат қилувчи сув омборларининг эксплуатация бошқармаси ёки республика қишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлигига бўй сунади.

Сув омборларининг эксплуатация хизмати маъмурий ҳужалиқ ва ишлаб чиқариш хизматларига бўйсинади. Ишлаб чиқариш хизмати деспетчерлик хизмати , эксплуатация участкалари ва механизатциялашган таъмирлашга бўлинади.

2.4. Эксплуатация хизматининг вазифалари ва сув омборининг бошқарув тузулмаси

Хар хил сув манбаларида жойлашган ва сугориш тизимига хизмат килувчи сув омборлари курувчи ва каскади учун эксплуатация умумтезкор ва техникавий эксплуатация коидалари бўйича амалга оширилади.

Умумтезкор эксплуатациянинг карамогиди сув омборлари ёрдамида бошқариладиган ва қайта таксимланадиган дарё хавзалари булган ташкилотлар амалга оширилади.

Якка тартибдаги сув омборларининг эксплуатацияси ушбу сув омбори эксплуатация бошқариладиган ва қайта таксимланадиган дарё хавзалари булган ташкилотлар амалга оширилади.

Умумтезкор эксплуатациянинг вазифаларига қуйидагилар қиради.

- сув окимини мавсумий ва ун йиллик бошқаришнинг ҳисобга олган ҳолда , ушбу хавзадаги табиий сув окимини тежамкор ва мақсадга мувофиқ равишда бошқариш.

- Ушбу сугориш манбасининг тарғиботини унда жойлашган сув омборининг иш тартиби билан боғланган ҳолда тежамкор ва мақсадга мувофиқ равишда бажариш.

- Ушбу хавзанинг барча сув омборларини биргаликда алоҳида ишлаш коидаларини ишлаб чиқиш ва мунтазам равишда аниқлаштириб бериш.

- сувда булган талабни кондириш.

- сув омборида сув захирасини яратиш ва уни сугоришга бериш , давлат режасини бажариш мақсадида сув омборининг техник қурилмаларини қундалиқ тезкор бажариш.

- барча иншоотларнинг алоқа ва воситалари , транспорти яшаш ва мшлаб чиқариш бинолари ва бошқа ёрдамчи қурилма ва жихозларнинг эксплуатациясини тегишли меёрлар стандартлар юрикномалар ва услубий курсатмаларга мувофиқ тугри ташкил этилишини таъминлаш.

- сув омборининг ишлаш тартибини тасдиқланган десретчерлик графигига мувофиқ сув омборини тулдириш ва бушатиш бўйича эксплуатация режаларини бажариш.

-иншоатларнинг техник ҳолатини кузатиш ва назорат қилиш ҳамда уларни ишчи ҳолатда тутиш .

- иншоатларни талаблар даражасидаги техник ҳолатга келтириш бўйича талаблар ишлаб чиқиш, бунда уларнинг таркиби, бажарилиш муддатлари ва ишчиларини курсатиб таъмирлашишларини бажариш.

-иншоатларни поупортлаш, уларни бошқаришда автоматика ва телемеханика жорий қилиш ҳамда хавфсизлик декларациясини тузиш.

- сув омбори иншоатларини куруклаш, техника ва ёнгин хавфсизлиги ҳамда меҳнат муҳофазаси қоидаларини бажарилишини таъминлаш.

-сув омбори эксплуатацияси бўйича ҳар йилги ҳисоботларни тузган ҳолда техник ҳужжатларни олиб бориш.

- техник эксплуатацияни яхшилаш ва такомиллаштириш .

- фан ва техника ютуқлари ва илғор тажрибаларини тадбиқ этиш.

- ҳудудий ободонлаштириш ва меморий безаш.

-муҳандис-техник ходимларнинг маҳаллий малакасини ошириш.

Талимаржон сув омбори «Ўзсувтаъмирфойдаланиш» республика бирлашмасига қарайди. Сув омборининг бошқарув тузилмаси 2.1 расмда келтирилган.

Сув омборининг бошқарув тузилмаси қуйидагича:

- бошқарма бошлиги

-сув омбори бошлиги

-бош муҳандис

-маъмурий ҳужалик хизмати

- гидрометрия, гидрология бўлими.

-деспетчерлик бўлими

-ишлаб чиқариш бўлими

-энергетика, телемеханика, алоқа бўлими

- сув келтирувчи канални эксплуатация килувчи гурух
- сув узатиш иншоатини эксплуатацияси килувчи гурух
- тўғон ва хавзани эксплуатация килувчи гурух
- сувни олиб кетувчи эксплуатация килувчи гурух
- сув чиқариш иншоатини эксплуатация килувчи гурух.

2.5. Сув омбори эксплуатация хизмати штати ва эксплуатация хизмати ходимларининг вазифалари.

Сув омбори эксплуатацияси хизмати штати , сони эксплуатация ишларининг ҳажми эксплуатация хизматининг тузилиш ва иншоотларининг тоифасига боғлиқ равишда тайинланади. Сув омборининг лавозимлар жадвали Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади. Талимаржон сув омборининг эксплуатация хизмати штати 2,1- жадвалга келтирилган.

Сув омбори бошлиги сув омборида барча иншоотларнинг конструкцияси ва ҳолатини яхши билиш улардан фойдаланишни яхшилаш тадбирларини мунтазам амалга оширади. Урнатилган режим бўйича сув омборига сув тушлаш ва чиқаришга раҳбарлик қилади. Камчиликлар далолатномани , таъмирлаш ва лойиҳа ҳужжатларнинг бажарилиши бўйича график тузишда қатнашади. Йиллик техник ҳисобатларининг тузади. Материаллар ускуналар , уйжойлардан урнатилган тартибда фойдаланади ва сақлайди. Ёритиш ва алоқа тузилишини мунтазам ишлашни назорат қилади. Ҳавфсизликда вазиятларда сув омбори иншоотлари режимини ўзгартиради ва воситаларини сафарбар этишни ташкиллаштиради.

Бош муҳандис сув омбори таркибидаги барча иншоотларга техникавий раҳбарлик қилади. У сув омбори балансидаги барча гидротехника иншоотлари ва улардаги қурилмалар, назорат-ўлчаш асбоблари. Гидропостлар, автоматика ва алоқа воситаларини тугри техник ишлатилишига раҳбарлик қилади. Иншоотларни ишлатиш тадбирларининг тезкор ва келажакка мувофиқлашган режаларни ўз вақтида ишлаб чиқилишини

таъминлайди. Курилиш материаллари курилмалар ва улчаш асбобларини олиш учун рахбарлик килади. Сувни туплаш ва таксимлаш, иншоотларни ишлатиш буйича тасдиқланган режаларнинг уз вақтида бажарилишини таъминлайди.

Мухандис гидротехник сув омборидан гидротехника иншоотларини ишчи ҳолатда бўлишини таъминлаш учун жавоблар шахс ҳисобланади. Барча гидротехника иншоотлари ва ишлаб чиқариш биноларнинг техник жихатдан тугри ишлатилишини таъминлайди. Сув омбори иншоотларини техник ишлатиш қоидаларини йахши билиши ва уларни тегишли ходимлар томонидан бажарилишини назорат килади. Гидротехника иншоотларидан чиқликлар , шикастланишларни уз вақтида аниқлаш ва зудлик билан таъмирлаш ишларини ташкил этади. Гидротехника иншоотларини техник ҳужжатларни уз вақтида олиб боради. ва уларни ишлатишни такомиллаштириш буйича таклифлар киритади. Хизмат курсатаётган объектларда камчиликлар далолатномасини уз вақтида тузилишини таъминлаш керакли курилиш ва бошқа материаллар учун уз вақтида баённомаларни тақдим этади.

Фуқоро мудофаси буйича муҳандис сув омборида фуқоролар муҳофазасининг тинчлик ва уриш давридаги талаблар режасини туман фавкулотда вазиятлар бўлими билан келишган ҳолда ишлаб чиқади ва сув омбори бошлигига тасдиқлатади. Иккинчи ва муҳандис техник ходимлар билан фавкулотда вазиятлар , уларнинг турлари, бу борада Вазирлар Маҳкамасининг чиқарган қарорлари тугрисида уқув машғулотлари олиб боради. Сув омборидан фойдаланиш бошқармасида рухсатнома режимида тулик рўя этилишини ходимларига рухсатнома берилишини таъминлашни бу тугрисида махсус журнал кайд этилишини назорат килади. Вилоят фавкулотда вазиятлар , кишлоқ ва сув ҳужалиги бошқармалари туман муҳофазаси, авария қутқарув ишлари тугрисида таҳлил уқув машғулотлари олиб боради. Сув омборида авария материаллари захирасини барпо этилиши сақланиши талаблар даражасига бўлишни назорат килади.

Техник-гидротехник узи хизмат курсатаётган иншоатнинг техник ҳолати ва эксплуатация қоидаларини яхши билиш лозим. Техник қоидалар бўйича гедрометрик ўлчамларни ўтказди. Иншоотни эксплуатация қилишнинг

Диспетчер барча ташкилотлардан келадиган хабарларни ёзиб рўйхатга олади, сув омбори бошлиғига ёзма равишда қирғизиб беради ва бошлиғнинг курсатмаларига биноан тегишли жойларга ўтказди. Сув омбори бошлиғи бўлмаган кунларда хизмат олинган курсатмаларининг ижросини ташкилотларни ўз вақтида оғохлантиради. Сув омборига сувнинг келиши чиқиши ва тақсимланиши, жами тўғрисида маълумотларни тайёрлайди ва тегишли жойларга ўтказди. Маълумотларни ўзатгач, имзо қўйиб, қабул қилинган шахсни аниқ қилиб ёзиб боради.

Гидротехника иншоотини назорат қилувчи сув омборини тулдириш ва бўшатиш билан бодлик барча ишларга раҳбарлик қилади. Аварийа-тиклаш ишларини ташкил этади. Ўрнатилган режа асосида сув омборининг ишлашини таъминлайди. Каналлар бўйича сув сатҳини сув чиқариш иншоатининг бошқариш фаолиятини билиши шарт. Тудондаги сув ўлчаш воситалари аҳолини ҳамда иншоотга хавфли таъсир қилувчи ночор жойларни ўрганади, бартараф этиш чораларини қўради. Сув омбори даврий балансларини тузади. Авария содир бўлганда сув омбори режимини тезкор ўзгаради ва аварийа-тиклаш ишларини ташкиллаштиради. Пехометрлар иш режимини курсатади, олинган маълумотлар асосида графиклар низади ва уларни таҳлил қилади. Дренажлардан чиқадиган сув миқдорини ўлчаб боради ҳолатини ўрганади.

2.6. Сув омбори иншоотларини қўзатиш усуллари.

Сув омборида қўзатувлар қўз билан, назорат-ўлчаш асбоблари ёрдамида олиб борилади.

2.6.1. Куз билан кузатиш.

Иншоатларнинг ишлаши тугрисида куз билан кузатувлар дастлабки тахмин, таасурот олиш имконийатини йаратади. Шусабабли амалйот текширувларининг таркибий кисми булиб, барча малумотдаги иншоатларда утказилади. Улар асосида кейинги инструментал кузатувлар шу махсадга мувофик тузилган йурикнуомаларга асосланиб, иншоатлар ва уларнинг элементларини куриб чикиш йули билан бажарилади. Аникланган нутк сонлар, мейорий холатдан четга чикишлар, бузилишлар кузатиш жунналиги кайд килинади. Куз билан кузатиш ишларини одатда кузатувчилар олиб боради. Кузатувчи иншоат элементларидаги аникланган шкастланишлар ва мейорий холатдан четга чикишлар тугрисида кечиктирмасдан эксплуатаси хизмати рахбарига билдириш лозим.

Грунт иншоатларда куйидаги; иншоат ва унинг заминидан хамда киргок билан туташган жойларидан сувни сизиб утиш кузатувларига булинади. Грунтли иншоатларининг бузилишларини кузатиш жараонида уларнинг умумий холатига йувилиш, чукиш, кучиш, йемирилиш грунт массивининг силжиши, киргокка туташган холати ва хоказолар ва махаллий бузилишларга ахамийат беришади.

Кузатувлар ва тадкикотлар олиб боришда назорат-улчаш асбобларини печатлар. Створ белгилари дренаж сувларини олиб келувди каналлар киргоклар , сув омборлари жойлашган худуддагичарликлар холатини куриб чикиш хам мухимдир. Айрим холатларда бундай жойларда филтрасия окимини келтириб чикарадиганкурулмаган жойларда дуч келиш мумкин. Хароратли кузги-кишли даврда сувни сизиб олиш даврида музлаш хосил булади. Бундай холат пастки киялик остонасида , дренаж куйиладиган зонада хам кузатилиши мумкин. Бунда копламалар холатини аниклашда назорат улчаш асбоблари хумларидан фойдаланиш махсадга мувофикдир.

2.6.2. Назорат ўлчаш асбоблари билан кузатиш

Сув омбори иншоатларини назорат улчаш асбоблари (НОА) билан усулда чукурлаштириш махсадида утказилади.

Масуляти 1. II.III .синфдаги сув омбори иншоотларида , одатда амалий кузатувларни олиб бориш учун НОА билан жихозланади. Иншоотларни НОА билан кузатилиш, узига хос шароитлар булгандагина ташкил этилиши мумкин.

Грунтли иншоотларнинг чузилишини кузатиш иншоатдан ташкарида урнатилган . Фундаментал реперлар тўғон танасида, фермаларга, сув утказувчи иншоотларда урнатилган маркаларни даврий равишда нивелирлашдан иборат.

Юриklarнинг пайдо булган бошлангич даврида унинг учлари буёк ёки уткир асбоб билан белгиланади. Ёрикка гипсдан албастер ёки семент коришмасидан килинган, кенглиги 5-10с м ли калинлиги 1-3 см ли ва узунлиги 10-20 см ли белгилар урнатилади.

Тўғон танаси ва гидротехника иншоотлардаги сувнинг пезометри сатхлари куйидагича улчанади. Босимли пезометрларида завода ишлаб чиқарилган манометрлар . РДС датчиклари билан вертикал кувурли босимсиз пезометрларда очик завода ишлаб чиқарилган харсилдок электрон юк привматик сатх улчамлар ва бошқалар ёрдамида ишлатиладиган пезометрлар курсаткичларнинг тугрилигини холати ва ишончилигини бахолаш максатида, уларнинг сезгирлиги йилига камида 2 марта жумладан, сув омбори бушатилгандан сунг бир марта текшириш зарур. Пезометрларнинг сезгирлиги режадан ташкари уларнинг шубхали курсаткичларида хам текширилади.

2.7. Сув омборида таъмирлаш ишлаш ишларини режалоштириш ва ўтказиш коидалари

Сув омбори иншоотларида авария холатлари олдини олиш уз вактида бартараф этиш учун уларнинг техник холати устидан доимий равишда кузатувлар олиб борилади.

Куз билан кузатувлар оддий ва қулай бўлганлиги сабабли, барча иншоотларда тезкор навбатда утказса бўлади. Уларнинг натижалари асосида характерли жойларда батафсил кузатувлар тайинланади.

Кузатув натижалари асосида сув омбори иншоотларининг таъмирлаш ишларини утказиш режаси тузилади. Таъмирлаш ишлари жорий капитал авария таъмирлашдан иборат бўлади.

Жорий таъмирлаш ишлари сув омборидан фойдаланиш жараёнида майда норозиликларни бартараф этиш учун бажарилади. Иншоотларда ҳосил бўлган майда ёриқларни ямаш, иншоат жихоз ва қурилмаларнинг бузилган қурилмаларини уз вақтида тузатиш каррозияга учраган қисмларни уз вақтида бўяб туриш сингари ишлар жорий таъмирлаш ишларига киради. Бунинг учун иншоотлар ихтиёрида ҳар хил бўёқлар мойлар металл қурилмалари семент кум қаби материаллар захиралари мавжуд. Унинг миқдори амалдаги меёрлар асосида урнатилади.

Капитал таъмирлаш график асосида бажарилган ва яроқсиз ҳолда келган, емирилган ериқ деталлар ёки қисмларни алмаштириш сув ювиб кетган жойларни қайта таъмирлашдан иборат бўлади. Иншоотларнинг капитал таъмирлаш ишларини махсус таъмирлаш қурилиш ташкилотлари амалга оширилади.

Иншоотларда деб борилиши лозим бўлган таъмирлаш ишларининг турлари рўйхати, муддати ва ҳажмлари эксплуатация хизмати томонидан ҳар йили янгитдан тузиб борилади.

Комиссия томонидан тузилган далолатнома ва тасдиқ –техник ҳужайраларда бажариладиган ишларнинг ҳажми, смета бўйича нархи ва таркиби белгиланган. Шаклда қурсатилади.

Тасдиқланган далолатнома ва жихозликлар рўйхатларида асосан эксплуатация хизмати ходимлари томонидан таъмирлаш ишлари учун лойиха ва сметалар тузилади.

2.7.1. Бетон ва темир бетон иншоотларни таъмирлаш ва тиклаш

Бетондан курилган гидротехника иншоотлари сувнинг гидростатик босими ва агрестив таъсирида юз берадиган бетоннинг емирилиш ёрикларнинг пайдо булиш ва шунга ухшаш ҳолатлар натижасида юзага келадиган бузилишлардан сакланиш керак.

Бетон иншоотларни таъмирлаш ва тиклашнинг осон ва арзон усуллари куйидагилардир.

-бетоннинг зичлиги ва сув утказмаслигини таъминлаш учун семент-семент каллоид ва харнодли эпоксид смола коришмалари ёрдамида инфекция килиш.

-арматура турларини ишлатган ҳолда эски бетон урнига янгисини куйиш.

- Бузилган юзаларни юкори босимда семент кум аралашмаси юбориб тиклаш.

Сув остидаги бетон иншоотларда бундай ишларни бажариш капитал тамирлаш утказиладиган вақтгача колдирилади чунки капитал тамирлаш вақтида иншоотлар сув босими остида булмайди.

Ёрикларни таъмирлаш учун ёорик аввал кенгайтирилади, кейин еса у ёерга семент коришмаси ёуборилади. Бундай тахлиддаги ишлар курилиш ва назорат чокларидаги бетум массаси чикиб кетган ҳолатлардаги ҳам чокларни таъмирлаш учун амалга оширилади.

Темир-бетон иншоотларни таъмирлашда усти очилиб колган арматураларга алохида эътибор берилади. Мазкур арматуралар занг ва кирдан яхшилаб тозаланади, эгилган жойларни тугриланади, кейин урнига куйиб устидан камида 3 см калинликка бетон куйилади.

2.7. 2 Затворларни таъмирлаш ва тиклаш

Ишчи затворларни таъмирлашда таъмирланаётган затвор олдидаги авария-таъмирлаш затворлари ёпилади ва куйидаги таъмирлаш ишлари олиб борилади.

-барча металл курилмалар зичлагичлар, затвор копламалари куздан кечирилиб, бузилган жойларини пайвандланиб тикланади.

-зичлагичлар текширилиб, ишдан чиккан жойлари алмаштирилади.

-герметик ва гидроузатма болтлари текширилиб, котирилади.

- зангланган жойлар тозаланиб, зангга карши буёк суртилади.

- захирадаги ихтиёт кисмлари курикдан утказиб ишга яроклилиги таъминланади.

Барча затворлар таъмирлангандан сунг бир неча марта очилиб ёпилади, иш кобилияти текширилиб курилади. Авария- таъмирлаш затворлари доимо ишчи холатда ва ишга ярокли булиши шарт уларни бошқариш, яъни ишчи затворлар сифатида ишлатиш манн этилади.

Занглаш металл копламасининг 1040 дан ошмаган холатларда металл юзан занглар тозаланиб, устидан занглашга карши буёк суртилади. Занглаш металл калинлигини 10 40 дан ошган холатларда эса затворни капитал таъмирлаш ёки алмаштириш тугрисида хулоса чиқарилади ва таъмирлаш муддатлари белгиланади.

Деформацияга учраган ва занглаган пайванд шохлар олиб ташланади, урта тозаланиб, кайтадан пайванд килинади ва устидан буёк суртилади.

Зичлагичларнинг сув утказмаслиги куз билан кузатувлар асосида аниқланади, таъмирлаш эса зичлагичнинг емирилиши даражасига кура утказилади. Сув окими тухтатиш учун зичлагич тулик ёки кисман алмаштирилади.

Болт ва гайкаларни резваси занглаган ёки шикастланган булса, улар тулик алмаштирилади.

Затворларнинг таянч харакатланувчи кисмларнинг гилдираклари одатда кул билан эркин харакатланади. Агар гилдираклар кийган айланса ёки айланмаса улар кисмларга ажратилиб, ишқаланувчи кисмлар орасига тушиб колган кум , котиб колган мой ва бошка чиқиндилардан тозаланиб кайтадан мосланади.

Профилактика сифатида затворлар, таянч – ҳаракатланувчи қисмлар, пазлар доимо равиш лойдан, музлашдан қордан, ахлатдан ва ш у табиқлардан тозаланиб тузилиши керак.

Барча турдаги затворлар таъмирлангандан қатий назар ҳар йили зангдан тозаланиб, зангга ухшашига қарши бўёқ суртилади.

Қутарғичларнинг ишлаши пайтида бегона шовқинлар бўлса, электродвигателлар ва унинг қизиши юз берса, усқуналар зудлик билан тоқдан узилади ва ёрилган жойлари тозаланади ва кейинги бўёқ суртилади.

Таъмирлаш ишлари тулик бажарилган кейин махсус тайинланган қамиссия томонидан бажарилган ишлар ҳажмларини режалаштиришган ҳажмларга машки текширилади.

Сув омбори иншоатларининг техник ҳолатини қуз билан қуриб қикиб иншоатларни таъмирлаш ишлари режаси ишлаб қикилди. Таъмирлаш ишлари режаси 4 қургазмали қизмада қелтирилган.

3. Гидротехника иншоатларини таъмирлаш ва қайта ишлашда меҳнат муҳофазаси.

3.1. Умумий талаблар

Ишлаб қикариш вақтида ишчи ва ходимлар саломатлигини сақлаш уларнинг меҳнатини тулик муҳофаза қилиш давлатимизнинг устувор вазиқаларидан биридир. Бу Республикаимизнинг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги қонун (1993 йил 6-май) да ақсини топан бўлиб, унда қуйидагилар алоҳида таъқидланади.

-қорқонанинг ишлаб қикариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёт ива соғлиги устуворлиги.

- меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини иқтисодий сиёсатнинг бўлишига ёндашишлари билан мувофиқ текшириб бориш.

- мулк ва ҳужалиқ юритиш шаклидан қатий назар барча қорқоналар учун меҳнатни муҳофаза қилишсоҳасида ягона тартиб қоидаларни белгилаб қуйиш.

-тегишли ёритилган жихозлари билан таъмирлаш.

Гидротехника иншоотларини эксплуатация килишда уларни таъмирлаш ва кайта тиклаш ишларида хавфсизликни таъминлаш асосан куйидаги тартиблар ёрдамида амалга оширилади.

- техникаларни хавфсизлик талаблари асосида лойихалаш ва тайёрлаш.

- хафдан химоялашнинг мухандис техник воситаларидан фойдаланиш.

- хавфсиз технологик жараёнларни тадбик этиш.

- иншоотларни хавфсизлик техникаси буйича малакавий укитиш.

- хавфсиз иш шароити иш жойини ташкиллаштириш.

Курилиш техникаси ва олиб борилган таъмирлаш ва тиклаш ишларига таъмирланган булиши керак.

3.2. Бетон ва мантаж ишларини олиб боришда хавфсизлик техникасининг асосий коидалари.

Бетон ва мантаж ишлари мураккаб технологик жараёнлардан иборат. Бетон ишлари колипларини мантаж килишдан , арматураларини мантаж килиш ва жойлаштиришдан иборат.

Бетонлаш жараёнида колиплар бирмунча ката зурикишларни кабул килади, Шу сабабли улар мустахкам урнатилиш етарлича таянч ва тиргакларга эга булиши керак.

Арматура махсулотлари махсус жихозланган жойда тайёрланаши керак. Пайвандчилар махсус кийимлар ва кузойнаклар билан таъминланган булиши керак.

Бетон коришмани зичлаштиришда тебраткичларнинг электр кабели бетон тебраткични бир конструкциядан иккинчисига утказганда эса , улар электр токидан очирилиши керак. Тебраткичнинг инсон соглигига таъсири катта . Шу сабабли у билан ишловчилар хар соатда 10-15 минут дам олишади. Санитар ва миёрлар буйича 18 ёшга етмаган юрак кон томир

касаллиги булган ишчиларга тебратгичлар билан ишлашига рухсат этилмайди.

3.3. Ер ишларини бажаришда хавфсизлик техникасининг асосий талаблари

Иншоатни таъмирлаш жараёнида курилиш майдончасини текислаш ва кайта тиклаш ва асосий ер ишлари бажарилади. Бу ишларни бажаришда экскаватор, булдозер автосамас валлар ишлатилади. Ер ишларини факат бузилмаган, 10 г машиналар билан олиб боришга рухсат этилади. Машиналарнинг тормози ёритувчи ва сигнал берувчикисмлари камчиликсиз ишлашлари шарт. Ёкилги баклари ва иситувчи мосламалари ёнгин учирувчи мосламалар билан таъминланиши зарур.

Экскаватор ишлаётган пайтда унинг максимал холатини радиусига 15 м доира чегарасида химоя воситаларисиз кириш мумкин эмас. Экскаватор тупрокни автосамос валга юклашаётганда , хайдовчи кабинадан чиқиб хавфсиз мусобака тушиши лозим.

Булдозер котловон четида ишлаётганида унинг курагини котлованинг киялик киррасидан утмаслиги шарт. Акс холда булдозер агнаб кетиши мумкин . Экскаватор ва булдозер биргаликда ишлаган холатларда, булдозер экскаваторнинг таъсир зонасидан ташкарида ишлаши лозим. факат экскаваторнинг чумичи ерга тушгандагина , булдозер экскаватор якинида ишлаши мумкин.

4. Сув омборларидан фойдаланишда атроф-мухитни муҳофазаси.

Республика Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари асарида мамлакатимиздаги экологик муаммоларни чуқур таҳлил қилган холда экологик холатни яхшилаш борасида Ўзбекистон мелиораторлари олдида турган вазифаларини алоҳида курсатиб ўтдилар.

Асарда «Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуктаи назардан караганда сув захираларини шу жумладан ер ости ва ер усти сувларининг кескин тахчиллиги ҳамда ифлосланиши катта ташвиш тугдирмоқда» деб тахдидланган эди.

Президент Ислом Каримовнинг сай ҳаракатлари туфайли жаҳон халклари ва ривожланган давлатларнинг эътибори орол денгизи ва орол буйи ҳудудлари муаммоларга қаратилмоқда. Юртбошимизнинг марказий осие минтақасидаги экологик ҳолатни яхшилашга доир ташаббуслари куплаб давлатлар ва халқлар, ташкилотлар томонидан куллаб қувватланмоқда, улар томонидан амалий ёрдам курсатилмоқда.

Сув омборининг халқ хужалигида тутган урни бекиёсдир. Шу билан бир қаторда сув омборларини буёд этиш жуда катта ҳудуд буйлаб инсонни табиий жараёнларга ута чуқур аралашувга мисол булади.

Сув омборлари тулдирилганда катта – катта майдонлар сув остида қолади. Сув омборининг сатҳи сув юзасини уртача 85-95 % ни сув остида қолган майдонга тугри қолади. Сув омборларидан сув билан тулдирилгандан кейин эса ер ости ва ер сув сатҳи қутарилади ва ер ости сувларини ер юзасига яқинлашиш зонаси катта ҳудудни эгаллаши ва бу юза бир неча километрча чузилиб кетиши мумкин. Натижада эса ерларнинг ботқокланиши, шурланиши, сойнинг санитария ҳолати ёмонлашувчи ва шу қабилар қузатилади.

Сув омборларининг сув сатҳи юзаси остида, сиртга тегиш зонаси ва қирғоқларни қайта шаклланиши таъсир зонасида турк халқ хужалиги объектлари, масалан темир йуллар, автомобил юллар электр узатиш лениялари ва бошқа қўпгина иншоотлар қолиб қолиши мумкин.

Аҳолини ва объектларни қучириш янги жойда уларни қуриш катта миқдордаги сарф харажатларни талаб этади ва бу харажатлар авалги ҳолатга тиклаш тамойили асосида аниқланади. Масалан шу пастга қурилган сув омборлари учун бу маблағлар миқдори гидроузел қурилиши умумий сарфларини 18% дан кам бўлмаган миқдорини ташкил этади.

Сув омборларини барпо этиш тупрок усимликлар ва хайвонот оламига сезиларли таъсир курсатади. Худудни доимий ва чуқур сув остида усимликларни батамом йук булишига олиб келади. Сув омборлари киргокларида камишзорлар юзага келади.

Юкоридагилардан келиб чикиб , сув омборларини лойихалаш, куриш ва эксплуатация килиш жараёнида уларни атроф мухитга мумкин булган таъсирларни чуқур тахлил килиш ва урганиб чикиш лозим. Проварт натижада, макбул ечим яъни табиатга энг минимал салбий тасир келтираётган зарарни бартараф этиш талаб этилади.

Талимаржон сув омборидан фойдаланиб тадбирлари буйича хулосалар ва тавсиялар.

Хулосалар

1. Республикамиздаги аксарият сув омборлари утган асрда барпо этилган соха олдида турган мухим вазифалардан биридир. Шунинг учун битирув малакавий ишимизда танланган «Талимаржон сув омборидан фойдаланиш тадбирларини ишлаб чикиш» мавзуси актуал ва долзабр.
2. Сув омбори эксплуатасийа хизматини ташкил етиш, эксплуатасийа хизматининг вазифалари, сув омборининг бошкарув тузилмаси, эксплуатация хизмати ходимларининг вазифалари баён этилди.
3. Сув омборидаги иншоатлар ва механик курилмаларнинг техник ишлатиш жараёнида уларнинг иш кобияти таъминлаш хамда содир булиши мумкин булган авария холатларини олдини олиш учун сув омбори иншоатлари устидан кузатув ишлари олиб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. «2014 йил юқори ўсиш суратлари билан ривожлантириш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги 2013 йилда мамлакатимизни-иқтисодий ривожлантириш ҳамда 2014 йилда мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маъруза – Қашқадарё газетаси, 2014 йил 21 январ.
2. Бакием М.Р., Мажидов У., Носиров Б.Ш., Хўжакулов Р.Т., Рахматов М.И. Гидротехника иншоотлари. 1-жилд. –Т.: Янги аср авлоди, 2008 йил
3. Бакием М.Р., Мажидов У., Носиров Б.Ш., Хўжакулов Р.Т., Рахматов М.И. Гидротехника иншоотлари. 2-жилд. –Т.: Иқтисод-молия, 2009 йил.
4. Бакием М.Р., Мажидов У., Носиров Б.Ш., Хўжакулов Р.Т., Саидов И.Э. Гидротехника иншоотларини лойиҳалаш. –Т.: Фан ва технология, 2013 йил.
5. Гидротехнические сооружения. Под ред. Н.П.Розанова. -М.: Агропромиздат, 1985 г.
6. Справочник проектировщика. Гидротехнические сооружения. Под ред. В. П. Недриги. –М.: Стройиздат, 1983г.
7. Курсовое и дипломное проектирование по гидротехническим сооружениям. Под. ред. В.С. Лапшенкова, -М.: Агропромиздат, 1989 г.
8. Алтунин С.Т. Водозаборные узлы и водо хранилища. –М.: Колос, 1963.
9. Хусанхўжаев З. Х. Сув омборларидаги гидротехника иншоотлари. -Т.: Мехнат, 1986 йил.
10. Хусанхўжаев З. Х. Дарёдан сув олиш иншоотлари. -Т.: Ўқитувчи, 1986 йил.
11. Киселев П. Г. Справочник по гидравлическим расчетам. – М.: Энергия, 1972 г.
12. Ирригация Узбекистана. Том 3. -Т.: Фан, 1975

13. Вакиев М.Р., Янгиев А.А., Қодиров О. Гидротехника иншоотлари. Т.: Фан, 207 йил.
14. Справчик Мелиорация и водной хозяйстваво сооржения. По ред Полод заде. М.: Агропромиздат. 1987 г.
15. Муҳаммедов А.М. Эксплуатация низхонопрохних гидроузлов на реках тарнспорт руший насоси. Т.: Фан, 1976 г.
16. Сув омборларида иншоотларнинг техник ҳолатини айнан кузатиш бўйича қўлланма. Т.: САНИИРИ, 1974 йил.
17. Гаппаров Ф.А., Садиқов А.Х. Сув омборлари техник эксплуатацияси бўйича намунавий йўриқнома. Т.: 2007 йил.
18. Бакиев М.Р, Турсунов Т.Н. Сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатациясини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар. Т. 2006 йил.
19. Бакиев М.Р., Кавишников А.Т., Турсунов Т.Н. Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш. Т.: 2007 йил.
20. Қодирова М. Дарё гидроузелларидан фойдаланиш.-Т.: 2007 йил.
21. Кавешников Н. Г, Эксплуатация и ремонт гидротехнических сооружений. -М.: Агропромиздат, 1989 г.
22. Хамадов И. Б., Батурин М. В. Эксплуационная гидрометрия в ирригации. -М.: Колос, 1975 г.
23. ҚМҚ 2.06.01-97. Гидротехника иншоотлари. Лойиҳалаштиришнинг асосий низомлари. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. -Т.: 1997 йил.
24. ҚМҚ 2.06.08-97. Гидротехника иншоотлари. -Т.: 1998 йил.
25. ҚМҚ 3.07.01.-96. Дарё гидротехника иншоотлари. -Т.: 1996 йил.